

## Рўзанинг одоблари



16:10 / 31.05.2017 4027

Рўзадор одам тили ва бошқа аъзоларини ҳаром ишлардан, гуноҳлардан тийиши лозим. Ана шунда рўзанинг асл маъноси бўлмиш тийилишни амалга оширган бўлади.

Икки «Саҳиҳ»да Имом Бухорийнинг лафзи билан қуйидагича ривоят қилинади:

تَرَى رُؤْيَهُ يَبْأَنْعُ، جَزَعًا لِنَعْدَانِ زَلَا يَبْأَنْعُ، كَلَامَ نَعْدَانِ، مَسْمُومٌ بِهَلَالِ الدُّبَعِ أَنْ تَدَحَّ وَأَوَّلَاتِ أَقْوَؤْمِ إِنْ إِي، لِهَجِّي الْوَشْفَرِي الْفُؤْنُجُ مَائِيَّ صِلَا: لَأَقْرَهَلَلِ الْوُسْرَانِ أَمِّيَّ صِلَا مَفُؤْخَلِهَدِي بِي سَفَنِي دَلَاو، نِيَّتِي رَمُؤْمِيَّ صِلَا نِيَّ الْقِيْلَفُؤْمَتِ أَشِي، لِحْأَنْ مِؤْتَوَشَوُؤْمَ أَرْشَوُؤْمَ عَطُؤْمَ كُؤْمَتِي، كُؤْمِ لِحْرِي رُؤْمِ نِيَّ عَاتِهَلَلِ دُنْعُؤْمِ بِي طَأْ، أَوْلَاتِي مِؤْمَ أَرْشَعُؤْمَ نَسَخُؤْمَ لَأَو، هَبِي نِحْأَنْ أَو، يِلْمَائِيَّ صِلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Рўза қалқондир. (Рўзадор) фаҳш сўз айтмасин, жоҳиллик ҳам қилмасин. Агар бирор киши у билан уришмоқчи ёки сўкишмоқчи бўлса, икки марта «Мен рўзадорман», десин. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадорнинг оғзидан келган ҳид Аллоҳ таолонинг**

**наздида мушкнинг бўйидан яхшироқдир».**

Аллоҳ таоло айтади:

**«(Бандам) таоми, ичимлиги ва шаҳватини Мени деб тарк қилади. Рўза Мен учундир, унинг мукофотини Ўзим бераман. Бир яхшилик учун унинг ўн баробари бор».**

هَيَّبَ أُنْعَى رُبُّ قَوْمٍ لَأُدِيْعَسَ أَنْ تَدَحَّ بِئِذِي بَأْنَبَا أَنْ تَدَحَّ سَأِي بِبِأْنَبُ مَدَا أَنْ تَدَحَّ  
لَمَّ عُلَّ أَوْ رُوْرُلَّ لَوْ قَدْ عَدِيْ مَلْ نَمَ: «: هَلْ لَأَلْ لُوسِرَّ لَأَقْ: لَأَقْ هَنْعَ هَلْ لَأِي ضَرَّ عَرِيْرُهُ بِبِأْنَعِ  
14321: ةَفَحَتْ - 6057: هَفْرَط. «: ةَبَّ أَرْشَوْهُ مَ عَطَّ عَدِيْ نَأِي فِ ةَفْحَاحِ هَلْ لَأَسِيْلَفْ وَب

*Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**«Ким (рўзадор ҳолда) ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, Аллоҳ унинг таоми ва ичимлигини тарк этишига муҳтож эмас».**

هَلْ سَيَلِّ مِئْأَقْ بُّرُوْ عُوْجَلَّ أَلْ هَمَّ أَيْ صُ نَمُ هَلْ سَيَلِّ مِئْأَصْ بُّرُ: لَأَقْ ٱبِّي بَّنَلَّ نَعُ هَنْعَ وَ -  
مُ كَأَحْ لَأَوْ دَمَّ حَأَوْ ةَفْحَ أَمُ نَبَّ أَوْ رُ. رَّهْ سَلَّ أَلْ هَمَّ أَيْ قُ نَمُ

*Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Баъзи рўзадорлар борки, улар рўзасидан очликдан бошқа нарсага эришмайдилар. Баъзи тунда бедорлар борки, улар бедорликда уйқусизликдан бошқа нарсага эришмайдилар».**

*Ибн Можа, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.*

لَأَقْ مَلْسُو هَيْلَعِ هَلْ لَأِي لَصِي بِنَلَّ نَأِي نَارِبَطَلَّ أَوْ نَسَحْ دَانَ سَابِي ئِئِئَسَنَلَّ يَوْرُو  
هَقْرَخِي مَلْ أَمَ ةَفْحَ مَ أَيْ صَلَّ

هَقْرَخِي مَبُو: لَيَقِي

"ةَبِّيْ غَلَّ أَوْ بَذَكَلَّ أَب: لَأَق"

Насоий ва Табаронийдан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар тешиб қўйилмаса, рўза қалқондир», дедилар. «У нима билан тешилади?» дейишди. У зот: «Ёлғон ва ғийбат билан»,

дедилар.

Рўза қаттиқ азобдан сақланишдир. Фақат рўзадор уни ёлғон ёки ғийбат каби гуноҳлар билан «тешиб» қўймаслиги лозим.

-: ملسو هيلع هللا يلص - هللا لوسر يلوم ديبع نع

اتماص دق ني تارما انهه ن: هللا لوسر اي: لاق آلجر نأو، اتماص ني تارما نأ،  
امه دا: لاقف داع مث. تكس وأ، هنع ضرع أف. شطع لال نم اتومت نأ اتداك دق امه نإو  
امه ادح إل ملسو هيلع هللا يلص لاقف سُّع وأ حدقب ءيجف: لاق. اءاجف: لاق  
ىرخ آلل لاق مث. حدقلل فص نءاق ىتح، امحل وادى دص و آمد وأ احيق تءاقف. يئىق  
لاق مث. حدقلل تالم ىتح، هريغو طبيبع محلو و دى دصو مدوحيق نم تءاقف. يئىق  
امه ادح إ تس لج، امه يلع هللا مرح ام ىلع اءرطف أو، هللا لال امع اتماص ني تاه نإ  
سانلل موحل نال كأي اءل ع جف: ىرخ آلل ىل

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Убайддан ривоят қилинади: «Икки аёл рўза тутди. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули! Икки аёл рўза тутган экан, чанқоқдан ўлай дейишяпти», деди. У зот юзларини ўгирдилар [ёки сукут қилдилар]. Бояги одам гапини такрорлаган эди, у зот: **«Уларни чақир»**, дедилар. Иккови кириб келишди. Коса [ёки катта коса] келтиришди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам икковидан бирига **«Қайт қил»**, деган эдилар, у ярим коса йиринг [ёки қон-йиринг] ва гўшт қусди. Сўнгра бошқасига ҳам **«Қайт қил»**, деган эдилар, у ҳам коса тўла йиринг, қон-йиринг ва янги гўшт ҳамда бошқа нарсаларни қусди. У зот шундай дедилар: **«Бу иккови Аллоҳ ҳалол қилган нарсадан рўза тутиб, ўзларига ҳаром қилинган нарсани ейишган. Бири бошқасининг ёнига ўтириб, иккови одамларнинг гўштини ея бошлашган»**.

وَأَمَلَسُ مَبْتَعِي مَلِّ امْرَأَةٍ دَابِعَ يَفُؤُ مِئْصَلًا: لَاقُ هَنَّاءُ [يَبْنَلِلِ نَع، تَهْرِيْرُهُ يَبَأُ نَع  
يَمَلِّي دَلْأَهُ أَوْر. «هَدُوِّي

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**«Рўзадор одам бирор мусулмонни ғийбат қилмаса, озор бермаса, ибодатда бўлади»**.

*Дайлабий ривоят қилган.*

Рўзадор одам ибодатлар билан машғул бўлиб, қалбий, амалий ва қавлий тоатларга бутунлай шўнғимоғи, имкони борича қалб, аъзо ва тил

гуноҳларидан йироқ бўлмоғи лозим. Хусусан, ажрлар кўпайтириб бериладиган, оддий гуноҳлар ҳам улкан ҳисобланадиган рўза оғи ҳамда тоат-ибодат мавсуми бўлмиш Рамазон оғида бунга ҳушёр бўлиш керак.

يَبَا نَع ، هَمَلَس يَبَا نَع ، يَحِي حِي اَن تَدَح ، مَش ه اَن تَدَح ، مَي ه اَرِب اِنْب مُسُم اَن تَدَح  
مَدَقَت اَم ه ل رَفُع اَب اَس تَح اَو اَن اَم ي اِ رَدَق ل ا ل a  
هَب ن د ن م م دَق ت ا م ه ل رَفُع اَب اَس تَح اَو اَن اَم ي اِ ن اَص مَر م اَص ن م و ه ب ن د ن م

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Ким Қадр кечасини иймон билан, савоб умидида ибодат билан ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади. Ким Рамазон рўзасини иймон билан, савоб умидида тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади».**

اَمَوَي لاق ، مَلَس و ه ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل a  
ل ز ن ي ف ه ل ل ا م ك ا ش ع ي ر ي خ ه ي ف ، ه ك ر ب ر ه ش ن ا ض م ر م ك ا ت ا " : ن ا ض م ر ر ا ض ح و  
م ك س ف ا ن ت ي ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل a  
ن م ي و ش ل ل ا ل ك ي و ش ل ل ا ن ا ف ، ا ر ي خ م ك س ف ن ا ن م ه ل ل ا ا و ر ا ف ، ه ك ي ه ا ب ي و  
ه ل ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل a

*Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади:*

Рамазон оғи келганда бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Сизларга баракот оғи бўлмиш Рамазон келди. Аллоҳ сизларни ундаги кўплаб яхшиликлар билан қамраб олур. Унда раҳмат нозил бўлади, хатолар ўчирилади, дуолар ижобат қилинади. Аллоҳ сизларнинг (солиҳ амалларда) мусобақалашингизга қараб, фаришталарга мақтанади. Шундай экан, Аллоҳга ўзларингиздаги яхшиликларни кўрсатинглар. Кимки бу оғида Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлса, энг бадбахтларнинг бадбахтидир».**

Рамазон оғида Қуръони Каримни кўпроқ тиловат қилишга тарғиб этилади, чунки бу муқаддас Китоб шу оғида биринчи осмонга, иззат уйига тушган. Худди шу оғидан бошлаб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига бўлак-бўлак бўлиб нозил қилина бошлаган. Шунинг учун Рамазон оғида Қуръонни кўп тиловат қилиш суннатдир.

يَفُؤُوكَيْ اَمُ دَوَّجْ اَنَّاكَ وِرِّيْ خَلَّابِ سَانَّ لَلَا دَوَّجْ اَبَّيْ بَّنَّ لَلَا نَاكَ : لاق اَسَّابَّ عَنَّا بَنَّا ع -  
يَفِيْ لَلَّيْ لَلَّيْ كُؤَا قَلَّيْ مَّالَّ سَلَّ اَهَّيْ لَّيْ رَّبَّجْ نَاكَ وُلَّيْ رَّبَّجْ هَا قَلَّيْ نَيَّ حَنَّا ضَمَّرَ  
نَا رُقُلَا هُؤَا رَا دِيْ فِ : هَا وِرِّيْ فَوَّ نَا رُقُلَا اَبَّيْ بَّنَّ لَلَا هَا لَّيْ عَضَّرَّيْ خَلَّ سَنَّا نَيَّ تَحَنَّا ضَمَّرَ  
هُؤَا وِرِّيْ لَلَّيْ رَّبَّجْ اَبَّيْ بَّنَّ لَلَا دَوَّجْ اَنَّاكَ مَّالَّ سَلَّ اَهَّيْ لَّيْ رَّبَّجْ هَا قَلَّ اَدَّ اِ  
نَا خُؤَا شَلَّ

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам одамларнинг энг сахийси эдилар. У зотнинг энг сахий бўладиган пайтлари эса Рамазонда, Жаброил у зот билан учрашишга келганда бўлар эди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон тамом бўлгунча ҳар кеча у зотнинг ҳузурларига келар эдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам унга Қуръонни ўқиб, ўтказиб олар эдилар».

Бошқа бир ривоятда шундай дейилган: «У билан бирга Қуръон ўқишар эди. Қачон Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига келсалар, эсан шамолдан ҳам сахийроқ бўлиб кетар эдилар».

*Икки шайх ривоят қилган.*

Бошқа пайтдан кўра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Рамазон қиёмида қироатни узунроқ қилар эдилар.

هللا صلي بن النبي ت أ : لاق ه نأ ه ن ع هللا ي ضر ة في ذ ح ن ع دم أ مام إا ي و ر ام ك  
و ذ ربك أ هللا : لاق ربك ام لف , ي لص ي م اق ف ناض مر ن م ة ل ي ل ي ف م لس و ه ي ل ع  
ن , ار م ع ل آ م ث ء اس ن ل ل م ث ة ر ق ب ل ل ا ر ق م ث " ة م ط ع ل ل و ء ا ي ر ب ك ل ل و ت و ر ب ج ل ل و ت و ك ل ل م ل ا  
" ا ه د ن ع ف ق و ال إ ف ي و خ ت ة ي آ ب ر م ي ال

*Имом Аҳмад Ҳузайфа розияллоху анхудан ривоят қиладилар:*

«Рамазон кечаси Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим. У зот туриб, намоз ўқидилар. Такбир айтганларида **«Аллоху акбар, зул-малакууту вал-жабарууту вал-кибрыйааи вал-азома»**, дедилар. Кейин Бақарани, кейин Нисони, кейин Оли Имронни ўқидилар. Қай бир ваъид оятдан ўтсалар, тўхтар эдилар».

لاق ة ل ي ل ت ا ذ م لس و ه ي ل ع هللا صلي بن النبي ع م ت ي ل ص : لاق ة في ذ ح ن ع  
غ ل ب ي ت ح ي ض م م ث ع ك ر ي ت ل ق ف ة ئ ا م ل ل س ا ر غ ل ب ي ت ح ا ر ق ف ة ر ق ب ل ل ح ت ت ف ا ف  
ح ت ت ف ا م ث لاق ع ك ر ي ت ل ق ف لاق ا ه م ت خ ي ت ح ي ض م م ث ع ك ر ي ت ل ق ف ن ي ت ئ ا م ل ل  
ء اس ن ل ل ة ر و س ح ت ت ف ا م ث لاق ع ك ر ي ت ل ق ف لاق ا ه م ت خ ي ت ح ي ض م م ث لاق ة ر و س  
ه و ك ر ن ا ك و لاق م ي ط ع ل ل ي ب ر ن ا ح ب س ه و ك ر ي ف لاق ف لاق ع ك ر م ث لاق ا ه ا ر ق ف

يبر ناحبس هوجس يف لاقو وعوكر لثم هوجس ناكف دجس م ثم همايق ةلزنمب  
ةيآب رم اذاو ذوعت باذع اهيف ةيآب رم اذاو لأس ةمحر ةيآب رم اذاو ناكو لاق ىلعأل  
حبس لج و زع هلل هيزنت اهيف

*Ҳузайфадан ривоят қилинади:*

«Бир кеча Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқидим.  
Бақарани бошладилар. Юзинчи оятга келганларида рукуъ қилсалар керак,  
деб ўйлаган эдим, у зот давом этиб, икки юзгача етдилар. Энди рукуъ  
қилсалар керак, десам, яна давом этиб, Бақарани тугатдилар. Энди рукуъ  
қиладилар, деган эдим, Оли Имрон сурасини бошлаб, уни ҳам тугатдилар.  
Энди рукуъ қиладилар, деган эдим, Нисо сурасини ўқидилар. Кейин рукуъ  
қилдилар. Рукуъларида «**Субҳаана Роббиял-азийм**», дедилар. Рукуълари  
ҳам қиёмларидек бўлди. Сўнгра сажда қилдилар. Саждалари ҳам  
рукуъларидек бўлди. Саждаларида «**Субҳаана Роббиял-аълаа**»,  
дедилар. Раҳмат оятидан ўтсалар, дуо қилар (сўрар) эдилар. Азоб оятидан  
ўтсалар, паноҳ сўрар эдилар. Аллоҳ азза ва жалла покланган оятдан  
ўтсалар, У Зотга тасбеҳ айтар эдилар».

Умар розияллоҳу анҳу Убай ибн Каъб ва Тамим Дорий розияллоҳу анҳумога  
Рамазонда намозга (таровеҳга) ўтиб беришни буюрганлар. Ҳар бирлари  
бир ракатда икки юз оят ўқишарди. Рамазоннинг қиёмидан (яъни таровеҳ  
намозидан) кечанинг охиригача учдан бири қолганда, шунда ҳам саҳарлик  
учунгина тарқалиб кетишарди.

Салафи солиҳлар орасида Рамазоннинг қиёмида, яъни таровеҳ намозида  
ҳар уч кунда хатм қиладиганлар, ҳар етти кунда хатм қиладиганлар, ҳар  
ўн кунда хатм қиладиганлар бор эди.

Шофеъий ва Абу Ҳанифа раҳимаҳумаллоҳлар ҳам кўп хатм қилишлари  
билан машҳур бўлишган. Рамазон кирса, Зухрий: «Бу – Қуръон тиловати ва  
таом бериш (ифторлик) ойи», дер эдилар.

مُأَيِّصًا " : لَاق ، مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَاصَّ لَللَّ لُوسَرَّ نَأ ، وَرَمَعْنَ بَلَلِ دَبَعْنَ ع  
مَاعَطَلَا هُتَعْنَ م ، رَّبَرِّي أَيَّصًا : لُوقِي ، رَمَائِقَلَا مَوِي دَبَعَلَلِ نَاعَفَشِي نَأْرُقَلَاو  
رَلِّي لَلَاب مَوْنَلَا هُتَعْنَ م : نَأْرُقَلَا لُوقِي وَ ، هِي فَي نِعْفَشَف ، رَاهَن لَلَاب تَأَوَّشَلَاو  
" نَاعَفَشِي فَلَاق ، هِي فَي نِعْفَشَف

*Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Рўза ва Қуръон Қиёмат куни бандани шафоат қилади. Рўза айтади: «Роббим, мен кундузлари унга таом ва шаҳватни ман қилган эдим, энди мени унга шафоатчи қилгин». Қуръон айтади: «Мен кечалари уни уйқудан қолдирган эдим, энди мени унга шафоатчи қилгин». Шунда иккиси ҳам шафоатчи қилинади».**

لَوْ قِي مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَدَّ هَلْ لَلْ لُوسَرْ تُعَمَّسَ لَأَقُ، يَلْ هَبْ لَلْ أَمَامُ أَوْ بَأْنَع  
هَبْ أَخْ صَأَلْ أَعْيَفَ شَرَهْ مَأْيَ قَوْلِ مَوِي يَتَأْيُ هُنْفَ، نَأْرُقُ لَأِ أَوْ زَقَا

*Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим:

**«Қуръон ўқинглар, чунки у қиёмат куни соҳибига шафоатчи бўлиб келади».**

Қуръоннинг шафоатига уни ҳақиқий тиловат қилганлар етишади. Ҳақиқий тиловат эса Қуръоннинг ҳукмларига эргашиш, ҳалол қилган нарсасини ҳалол билиш, ҳаром қилган нарсасини ҳаром билиш, унинг одоблари ила хулқланиш, кеча-ю кундуз унинг вожибларини адо қилиш билан бўлади.

Насоийнинг ривоят қилган ҳадисида айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида саҳобий Шурайҳ Ҳазромий розияллоҳу анҳу ҳақида сўз кетган эди, у зот уни «Қуръонни болиш қилиб олмайди», дедилар. Бу эса Қуръон болишдек бўлиб қолгунча ҳадеб унинг устида ухлайвермайди, балки Қуръоннинг амрларини бажариб, ҳаққини адо этади, ундан ғофил қолмайди, деганидир.

Имом Нававий бир қанча уламоларнинг ҳар етти, олти, беш, тўрт кунда хатм қилишларини айтганлар. Уларнинг аксарияти ҳар уч кунда Қуръонни хатм қилганлар.

Имом Бухорий: «Ҳар бир хатмдан кейин мустажоб дуо бор», дер эдилар.

Рамазон ойида тарғиб қилинадиган амаллардан яна бири истиғфор ва таҳлилни кўп айтиш, умуман, Аллоҳ таолони кўп зикр қилишдир.

Табароний ва бошқалар қилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таолони Рамазонда зикр қилган одам мағфират қилинади, бу ойда Аллоҳ таолодан сўраган одамнинг умиди пучга

чиқмайди», деганлар.

Рамазоннинг талаб ва одобларидан яна бири кўп садақа беришдир.

Имом Термизийдан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда шундай келтирилади:

يُفِيهِ قَدْرٌ لِقَائِهِ لَوْ أَنَّ أَحَدًا مَلَاحَظَ هَلْ لَمْ يَلِمْ لِيْلَ صِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ  
نَاضِرْمَ

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қайси садақа афзал?» деб сўрашди. У зот: «**Рамазондаги садақа**», дедилар.

Ўтган ҳадисда ҳам Рамазон ойи ёрдам ойи, мўминнинг ризқи кўпаядиган ой экани айтиб ўтилди.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазонда ниҳоятда сахий бўлиб кетардилар, имом Аҳмаднинг ривоятларида келганидек, нима сўралса, берардилар.

Рамазон ойи мағфират, раҳмат ойи, Аллоҳ таолонинг саховат ойдир. Аллоҳ раҳмли бандаларига раҳм қилади, Раҳмон раҳм қилувчиларга раҳм қилади. Кимки бу ойда Аллоҳ таолонинг бандаларига саховат кўрсатса, Аллоҳ таоло уларга ато бериб, саховат кўрсатади.

Рўзанинг одоб ва тарғиботларидан яна бири саҳарлик қилишдир. Бу иш муборак суннатдир.

هُوَ أَوْرَةٌ كَرَبِ رُوْحِ سَلَا يِفِّ نِإْفِ أَوْحَسَاتِ : لِقَائِهِ بِنِجَالِ نَعِ هُنَّ هَلْ لَمْ يَلِمْ لِيْلَ صِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ -  
دُوَادِ أَبَا أَلِ إِسْمَ خُلَا

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «**Саҳарлик қилинглар, чунки саҳарликда барака бор**».

*Бешовларидан фақат имом Абу Довуд ривоят қилмаган.*

هَلْ لَمْ يَلِمْ لِيْلَ صِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ لَوْ سَرَّ لِقَائِهِ هُنَّ هَلْ لَمْ يَلِمْ لِيْلَ صِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ دِيْ عَسِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ  
عَرَجَ مَكْدَحًا عَرَجِي نَأْوَلُو هُوَعْدَتِ الْفِ : عَرَبِ هَلْ كَأَرْوَحِ سَلَا ) : مَلَسُو

نَبَا وَ دَمْحًا هَاوْرَ ( نِيَّحَسَّتْ مَلَا يِلْعَانُ لِيْلَ صِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ هُنَّ هَلْ لَمْ يَلِمْ لِيْلَ صِيْلَ بِنِجَالِ نَعِ ؛ أَمَّ نَمَّ  
نَابَحَ

*Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*



Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Саҳарлик ейиш баракадир, уни тарк қилманглар, бир ҳўплам бўлса ҳам, сув ичиб олинглар. Аллоҳ азза ва жалла ва У Зотнинг фаришталари саҳарлик қилувчиларга раҳмат тилаб дуо қиладилар».**

Саҳарликни имкон қадар (субҳи содиққа ўтказиб юбормаган ҳолда) кечиктириш, саҳарлик қилишда шошилмаслик мандубдир.

دنسم لال «روحس لال اورخ أو رطف لال اولج ع ام ربي خ ب ي تم ا ل ا ز ت ال»: لاق ل ا ق ل ي ب ن ل ل ن ع

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**«Модомики, ифторни тезлаштириб, саҳарликни кечиктиришар экан, умматим яхшиликда бўлади».**

*«Муснад»да ривоят қилинган.*

Шунингдек, рўзанинг одобларидан яна бири қуёш ботиши билан ифторлик қилишдир.

" : ل ج و ز ع ه ل ل ل ل ا ق : م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ل ا ل ل و س ر ل ا ق : ل ا ق ، ع ر ي ر ه ي ب ا ن ع ا ر ط ف ه م ه ل ع ا ل ل ي ل ل ي د ا ب ع ب ح ا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Аллоҳ азза ва жалла: «Менга энг маҳбуб бандам - ифторни энг тез қилганидир», деди».**

*Имом Аҳмад ва Термизий ривоятлари.*

Рўзанинг одобларидан яна бири ҳўл хурмо билан оғиз очишдир. Топилмаса, қуруғи билан ҳам очса бўлади. У ҳам топилмаса, сув билан рўза очилади.

- ي ل ص ي ن ا ل ب ق د ت ا ب ط ر ي ل ع ر ط ف ي ل ل ل ل ا ل ل و س ر ن ا ك : ل ا ق ه ن ع ه ل ل ي ص ر س ن ا ن ع - د و ا د و ب ا ه ا و ر ه ا م ن م ت ا و س ح ا س ح ن ك ت م ل ن ا ف ت ا ر م ت ي ل ع ف ت ا ب ط ر ن ك ت م ل ن ا ف ف ي ص ل ا ي ف و ت ا ر م ت ي ل ع ا ت ش ل ا ي ف ر ط ف ي ل ل ل ل ا ن ا ك ي ذ م ر ت ل ل و ي ذ م ر ت ل ل ا و ا م ل ا ي ل ع

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқишдан олдин бир нечта ҳўл хурмо билан оғиз очар эдилар. Агар ҳўл хурмо бўлмаса, қуруқ хурмо билан очар, у ҳам бўлмаса, бир неча ҳўплам сув ичар эдилар».

Имом Термизийнинг ривоятларида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёзда ҳўл хурмо, қишда сув билан оғиз очар эдилар», дейилган.

Рўзанинг одобларидан яна бири ифтордан кейин зикр ва дуоларни айтишдир.

تَبَّتْ وَ قُورِعُ لَاتِ تَابَتْ وَأُمُّ ظِلَابَ هَذَ لَاقَ رَطْفًا إِذِ ابَّيَّ لِلنَّكَ لَاقَ رَمْعًا نَبَّانَع -  
يئأسن للآو دُواد وُبَّأ هَآوَرُ هَلَلْ ءَآشْ نَإِنِّجَ أَلَا

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ифтор қилсалар, «**Заҳабаз-зобаъу ва баталлатил урууқ, ва сабатал ажру, иншааллоҳ**» («Гуноҳлар кетди, томирлар ҳўлланди, иншааллоҳ, ажр собит бўлди»), дер эдилар.

*Имом Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.*

دُواد وُبَّأ هَآوَرُ رَطْفًا أَكْفَزَرَ يَلَعَوُ تَمُّصَ كَلِّ مُهَّلَلَا لَاقَ رَطْفًا إِذِ ابَّيَّ لِلنَّكَ وَ -  
يَنَآرَبَّ طَلَاو

رَطْفًا أَكْفَزَرَ يَلَعَوُ تَمُّصَ كَلِّ مُهَّلَلَا لَاقَ رَطْفًا إِذِ ابَّيَّ لِلنَّكَ وَ هُطْفَلَو

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ифтор қилсалар, «**Аллоҳумма, лака сумту ва ъалаа ризқика афторту**» («Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим, Сен берган ризқ билан ифтор қилдим»), дер эдилар.

*Имом Абу Довуд ва Табароний ривоят қилишган.*

Табаронийнинг лафзида: «**Бисмиллааҳ. Аллоҳумма, лака сумту ва ъалаа ризқика афторту**» («Бисмиллааҳ. Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Ўзинг берган ризқ билан ифтор қилдим»), дейилган.

كَلِّ مُهَّلَلَا لَاقَ رَطْفًا إِذِ ابَّيَّ لِلنَّكَ وَ هَلَلَا يَلَعَوُ هَلَلَا يَلَعَوُ تَمُّصَ كَلِّ مُهَّلَلَا لَاقَ رَطْفًا إِذِ ابَّيَّ لِلنَّكَ وَ هَآوَرُ . «مَيَلَعُوا لِعَمِّي سَلَّ تَنَّا كُنَّا ، أَنَّم لَبَّ قَتَفَ ، أَن رَطْفًا أَكْفَزَرَ يَلَعَوُ ، أَن مُصَّ  
يَنُّ طُقْرَادَلَا

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифторлик пайтида: **«Аллоҳумма, лака сумнаа ва ʼалаа ризқиқа афторнаа, фатақоббал миннаа, иннака антас-Самийъул-Алийм»** («Аллоҳим, Сен учун рўза тутдик, берган ризқингдан ифторлик қилдик, бизлардан қабул айлагин. Албатта, Сен Эшитувчи, Билувчи Зотсан»), дер эдилар.

*Дорақутний ривоят қилган.*

إذ لم يسره لعل يصح لعل لوسرناك: لاقه ربه نبذام نعي نسلنا بياورو  
ترطف أفين قزرو تمصفين ناعأ يذل لدمح للاق رطفأ

Ибн Сунний Муоз ибн Заҳродан ривоят қиладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғиз очадиган бўлсалар, **«Рўза тутишимга ёрдам берган, ифтор қилишим учун ризқ берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин»**, дер эдилар.

Ифтор пайтида кўп дуо қилиш мустаҳабдир.

نَحْمَدُكَ يَا رَبُّ أَوْ دَعَا لِمَا إِيَّاكَ، مُمْتَوِّعًا دَرْتِ الْتَالَتْ: «مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلْ لَصَلَّ لَاق  
لُوقِي وَءَامَّ سَلَّ أَبَاؤَ أَهْلُ حَتْفَتْ وَءَامَّ غَلَّ قَوْفَ أَعْفَرِي مَوْلُ طُمْلَا ةُوعَدُو، رَطْفِي  
نَحْمَدُكَ وَءَامَّ سَلَّ أَبَاؤَ أَهْلُ حَتْفَتْ وَءَامَّ غَلَّ قَوْفَ أَعْفَرِي مَوْلُ طُمْلَا ةُوعَدُو، رَطْفِي

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Уч тоифанинг дуоси рад қилинмайди: одил имомнинг дуоси, рўзадорнинг ифтордаги дуоси, шунингдек, Аллоҳ мазлумнинг дуосини булут устига кўтаради, унга осмон эшиклари очилади. Робб табарока ва таоло: «Иззатим ҳаққи, сенга кейинроқ бўлса ҳам, нусрат бераман», дейди».**

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо ифтор қилаётганларида: «Аллоҳим! Ҳамма нарсани қамраб олган раҳматинг ҳурмати, гуноҳларимни мағфират қилишингни сўрайман», дер эдилар.

Рўзадор таомни кўп еб юбормаслиги, ифторлик ва саҳарлик пайтида турли емакларни аралаштирмаслиги, балки ҳар бир ишда ўртача, мўътадил бўлиши лозим.

بَسَحَ نَطْبُ نَمَّ أَرْشَاءَ عَوْي مَدَّ أَلَمَّ أَمَّ " لُوقِي - مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلْ لَصَلَّ لَاق - لَلَّ لُوقِي  
ثُلُثًا وَءَامَّ طَلَّ لُثُلُثًا، هَسْفَنَّ يَمَدَّ أَلَّ تَبَلَّغَ نَافَ، هَبْلُصَ نَمَّقِي تَامَّ يَلَّ يَمَدَّ أَلَّ

سَفَّ نَلُّ ثُلُثًا وَءَبَّ اَرْشَلَل

هجام ن باو ي ذمرت ل ا هاور

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Одам боласи учун қаддини тик тутадиган бир неча луқма етарлидир. Бошқа чораси бўлмаса, (ошқозоннинг) учдан бирини таомга, учдан бирини ичимликка, учдан бирини нафасга (ҳавога) ажратсин».**

*Имом Термизий ва Ибн Можа ривоятлари.*

*Абдуллоҳ Сирожиддин Ҳусайнийнинг «Рўзанинг одоби, талаблари, фойдалари ва фазилатлари» номли китоби асосида Одинахон Муҳаммад Содиқ таржимаси*